
Бағдодда сўнгги 6 ой давомида 677 та хонадонга 17 тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари, 24 та хонадонга 700 дан ортиқ шифер бепул берилди

Бағдод тумани ҳокими Юсуфжон Хусаиновнинг фуқаролар билан манзилли учрашувлари, доимий ва сайёр қабуллари натижадорлиги билан алоҳида кўзга ташланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг май-октябрь ойлари давомида 677 та хонадонга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 24 та хонадонга эса уй-жой таъмири учун турли қурилиш ашёлари бепул берилди.

Туман ҳокимлигининг хўжалик мудирини Ойбек Акбаровнинг маълум қилишича, фуқаролар мурожаатлари асосида шу кунгача 5 тонна картошка, 5 тонна сабзи, 5 тонна пиёз, 500 литр пахта ёғи, 800 кг гуруч ва 500 кг макарон маҳсулотлари, яна қанчадан-қанча ноозиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Бундан ташқари, куз-қиш мавсуми олдидан ҳовли-жойининг том қисмини таъмирлашда ёрдам сўраган 24 нафар фуқаро 750 дона шифер билан таъминланди.

Албатта, кимнингдир оғирини сал бўлса-да енгиллатиш, мушкулени осон қилиш – улкан савобли иш. Мурожаати ижобий ҳал бўлган, ҳокимликдан озми-кўпми ёрдам олган инсонлар раҳмат айтиб, дуо қилишяпти.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-11-16 16:44:36